2015 йил 3 декабрь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 237 (13.050)

Баҳоси эркин нархда

**ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**

**Шу азиз Ватан — барчамизники**

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлаш, турли миллат ва элатлар, диний конфессиялар ўртасидаги бағрикенглик, аҳиллик ва тотувликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Бош қомусимизнинг турли миллат вакилларидан иборат халқимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида **Республика Байналмилал маданият маркази директори Насриддин МУҲАММАДИЕВ** ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллатлараро ҳамжиҳатликни асраш, турли миллат ва элатларнинг эмин-эркин яшаши, таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз салоҳиятини юзага чиқариши борасида олиб борилаётган одилона сиёсат халқаро миқёсда ҳам намуна сифатида эътироф этилмоқда.

Бу борадаги эзгу ишлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб берилган қоида ва тамойилларга асосланган. Ушбу ҳуқуқий кафолатлар мамлакатимиз ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминланишида, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилишида, Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этишида, мамлакатимизда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглигига оид моддаларда ёрқин ифодасини топган.

Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган қоида ва тамойилларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 диний конфессия вакилларининг ҳуқуқлари тўла таъминланаётгани, уларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, ижодий фаолият билан шуғулланиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, анъана ва қадриятларининг эъзозланишида намоён бўлмоқда.

Умумтаълим мактабларида етти тилда билим берилаётгани, кўплаб тилларда газета-журналлар чоп этилаётгани, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар эфирга узатилаётгани мамлакатимиздаги бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитининг амалдаги намунасидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган юртдошларимиз орасида турли миллат вакиллари борлиги, миллий маданият марказларининг юз нафарга яқин фаоли Ватанимизнинг орден ва медаллари билан тақдирланганi Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда турли миллат вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги сиёсат нақадар тўғри танланганидан далолатдир.

Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, йирик корхона ва ташкилотлар раҳбарлари орасида турли миллатлар вакиллари бор.

Ўзбекистоннинг бу борада олиб бораётган оқилона сиёсати Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби умуммиллий ғояларни барча юртдошларимиз билан ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб амалга оширишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда Республика Байналмилал маданият маркази Ўзбекистонда яшаётган турли миллат фарзандларининг учрашув жойи, ўзига хос Дўстлик уйига айланган. Бу ерда мунтазам равишда халқ байрамлари, фестиваллар, учрашувлар, таниқли маданият арбобларининг чиқишлари, семинарлар ва конференциялар ўтказиб турилади.



## ТОТУВЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК — ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ

**Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.**
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 8-модда.

Бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Республика Байналмилал маркази қошида тузилган Жамоатчилик кенгаши таркибига давлат ва жамоат ташкилотлари, шу жумладан, миллий-маданий марказлар раҳбарлари киритилган. Жойларда вилоят ҳокимлари ўринбосарлари бошчилигида мувофиқлаштирувчи кенгашлар фаолият юритади. Ҳар бир кенгаш раиси миллий-маданий марказларга ҳар томонлама ёрдам бериш баробарида ҳудудда тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг таъминланишига масъулдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши сингари кўплаб ташкилотлар билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бугунги мураккаб ва таҳликали даврда доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, мустақиллигимизни, унинг бебаҳо неъматларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш тобора долзарб аҳамият касб этаётганини ҳар бир юртдошимиз чин дилдан англамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллиги муносабати билан марказимиз томонидан ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, анжуманлар, "Ягона ва аҳил оилада", "Ўзбекистон – умумий уйимиз" каби мавзулардаги дўстлик фестиваллари, олимлар, санъат ва маданият намояндалари, маънавият тарғиботчилари иштирокидаги мулоқотлар, учрашувлар, давра суҳбатларида ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ташкил этилаётган кўргазмалар, концертлар, ижодий лойиҳалар, ёшларга мўлжалланган маърифий акциялар орқали Конституциямизда муҳрланган тамойиллар кўплаб миллат ва элат вакилларининг миллий урф-одат ва анъаналари асраб-авайланаётгани ҳамда ривожланаётганини акс эттиришга интилмоқдамиз. Бу каби тадбирлар ёшларда соғлом ва мустақил тафаккур, фаол ва қатъий фуқаролик позицияси янада мустаҳкамланишида, Ватан, жамият, элу юрт истиқболи олдидаги бурч ва масъулиятни теран англашга хизмат қилаётир.

Буларнинг барчаси Президентимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган Конституциямиз қоидалари ҳаётимизда ўз ифодасини топганининг амалий ифодасидир.

**Назокат УСМОНОВА**
**ёзиб олди.**

## ҲАЁТИЙ ТАМОЙИЛЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Қуйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда сиёсий партиялар фракциялари аъзолари, ҳуқуқшунос олимлар, сиёсатшунослар, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент фармацевтика институти талабалари иштирок этди.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида инсон манфаатларини таъминлаш ислоҳотларнинг бош мақсадига айланганини таъкидлади. Бу жараёнда Ўзбекистон Конституцияси фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши, тинчлик-хотиржамлик, сиёсий барқарорлик, ижтимоий тотувликни, иқтисодий тараққиётни таъминлашда ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Асосий қонунимизда давлат халқ иродасини ифода этишини, унинг манфаатларига хизмат қилишини, давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи Ўзбекистон халқи эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Ушбу ҳаётий тамойиллар асосида мамлакатимизда "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун!", деган эзгу ғоя амалга татбиқ этилаётир. Шу билан бирга, Конституцияда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шартлиги белгилаб қўйилган.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар ва уларнинг жамият ва давлат қурилишини янада дамократлаштиришдаги аҳамияти хусусида сўз юритилди. Шунингдек, хорижий мамлакатлар конституциявий тажрибаси ҳам таҳлил этилди.

Давра суҳбатида мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигини мустаҳкамлашга қаратилган қонунларнинг таъсирчанлигини ошириш орқали демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бу жараёнда фуқаролар ва жамоатчилик иштирокини фаоллаштириш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза алмашилди.

**Н.АБДУРАИМОВА**

***Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги кенг полосали технологиялардан фойдаланишни кенгайтиришнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига бағишланган матбуот анжумани ўтказди.***

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари У.Аъламов ва бошқалар бугунги кунда телекоммуникация технологиялари, тармоқ ва инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кенг кўламли лойиҳалар амалга оширилаётгани самарасида интернет хизматларидан фойдаланувчиларнинг учдан бир қисми кенг полосали технологиялардан фойдаланаётганини таъкидлади. Президентимизнинг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ушбу йўналишда муҳим омил бўлмоқда.

Телекоммуникация инфратузилмасига кенг полосали технологияларнинг жалб этилиши туфайли барча магистрал, ҳудудий ва станциялараро турдаги алоқаларда оптик-толали алоқа линияларидан фойдаланилаётир. Уларнинг умумий узунлиги 16 минг километрдан ошади. 2015-2017 йилларда яна 6,1 минг километр оптик-толали алоқа линияларини ўтказиш режалаштирилган.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 120 дан зиёд интернет-провайдер ва операторга лицензия берган. Уларнинг ўндан ортиғи кенг полосали технологиялар асосида хизмат кўрсатмоқда. Мазкур технология юқори тезликда ишлайдиган интернет билан биргаликда абонентларга видеотелефония, интернет-телевидение хизматларидан фойдаланиш, шунингдек, HDTV-каналлари кўрсатувларини қабул қилиш ҳамда бошқа телекоммуникация хизматларидан баҳраманд бўлиш имконини беради.

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида ташкил қилинган "Telecom Innovations" ва "Olive telecom" қўшма корхоналари мамлакатимизда телекоммуникация ускуналарига нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжни таъминлашга ёрдам бераётир. Ушбу корхоналарда интернет каби кенг кўламли мультимедиа хизматлари кўрсатиш имконини берадиган xDSL технологиясининг станция ва абонент ускуналари, оптик Home Gateway абонент терминаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Президентимиз тасдиқлаган 2015-2019 йилларда ахборот-коммуникация технологияларини манзилли ривожлантириш дастурига мувофиқ, умумий қиймати 883,7 миллион долларлик 9 йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, бунинг натижасида кенг полосали хизмат кўрсатиш учун портлар сонини 20 баробар кўпайтириш, йигирмадан ортиқ янги турдаги хизматларни жорий қилиш, жумладан, IP-телефония, IP- телевидениени янада ривожлантириш кутилмоқда.

Мутахассислар журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берди.

**М.ҚАРШИБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**ХХI аср садоси**

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Бухорода Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан "Конституция – ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда партия томонидан илгари сурилган дастурий мақсадлар Бош қомусимизнинг асосий тамойилларига ҳамоҳанг эканига эътибор қаратилди.**

**● Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллиги муносабати билан пойтахтдан келган тарғибот гуруҳи аъзолари иштирокида Фарғона вилоятида ҳам маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Фарғона солиқ коллежида бўлиб ўтган шундай тадбирда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, ўқувчи-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

**● Наманганда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишлаб "Конституциямиз – бахтимиз қомуси" шиори остида Фарғона водийси ёшларининг фестивали ўтказилди.**

**● Андижонда ёшларни миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик тамойиллари асосида тарбиялашнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва "Эко-энергия" илмий-татбиқий маркази томонидан Самарқанд вилояти бўйлаб экологик медиатур ташкил этилди. Семинар-тренинг давомида мазкур соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишда фуқаролик жамияти институтларини жалб этиш бўйича фикр алмашилди.**

**● Хоразмда "Камалак" юлдузлари" республика болалар ижодиёти фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Анъанавий "Камалак" юлдузлари" фестивалининг туман ва шаҳар босқичларида бу йил 3 мингдан зиёд ёш қатнашди. Улар орасидан сараланган беш юзга яқин истеъдодли ўғил-қиз вилоят босқичида мумтоз мусиқа, вокал, халқ чолғулари, рақс, тасвирий ва амалий санъат, наср ва назм йўналишларида маҳоратини намойиш этди.**

### ЖАҲОНДА

**● Япониянинг "All Nippon Airways" авиакомпанияси қисман биоёқилғидан фойдаланишга ўтишини маълум қилди. Бу қарор 2020 йилгача атмосферага чиқариладиган карбонат ангидрид газини 20 фоиз қисқартириш кўзда тутилгани билан изоҳланаяпти. Муқобил энергия манбаи маҳаллий "Euglena" корпорацияси томонидан етказиб берилади. Унинг асосини сув ўтлари ташкил этади.**

**● АҚШнинг "Yahoo! Inc" компанияси раҳбарияти интернет-бизнесини сотиш масаласини кўриб чиқмоқчи. Мазкур бизнес почта сервиси ҳамда янгиликлар сегментини ўз ичига олади. Гап шундаки, компания шу йилнинг биринчи ярмини 356 минг доллар миқдоридаги зарар билан якунлаган.**

## 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

# ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР КАФОЛАТИ, БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ




***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатимизнинг Асосий қонуни ҳисобланади. Конституциявий қонунлардан ташқари, қолган барча қонунлар шу асосда қабул қилинади. Конституциямиз 6 бўлим, 26 боб ҳамда 128 моддадан ташкил топган. Мазмун-моҳиятига кўра, у замонавий ҳуқуқий демократик давлатлар конституциялари орасида мукаммаллиги, миллий ва умуминсоний жиҳатларни ўз ичига қамраб олгани билан ажралиб туради.***

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинди. Шу куни мустақилликни эълон қилган ана шу тарихий сессияда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги қонуни ҳам қабул қилинди. Ана шу қонун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси учун асос бўлиб хизмат қилди. Чунки унинг 5-моддасида, жумладан: *"Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир"*, – деб ёзилган эди. Шундай экан, энди биринчи навбатда давлатнинг Бош қонунини ишлаб чиқиш зарур эди.

Албатта, кейинчалик, яъни Олий Кенгашнинг 10-сессиясида мазкур Конституциявий комиссия таркиби қисман янгиланди. Шу тариқа Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқишга мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейинги энг муҳим вазифалардан бири сифатида қаралди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси концепциясини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг давлат мустақиллигига эришганимиздан кейинги бирламчи вазифалари сирасига кирар эди. Буни унинг 1992 йили чоп этилган "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" асари мазмун-моҳиятидан ҳам билиб оламиз.

Бошқача айтганда, ана шу асарида Юртбошимиз ёш мустақил давлат олдида турган талай масалалар устида фикр-мулоҳаза юритиб, давлат ва халқ тараққиёти йўлини белгилар экан, жумладан, амалда янги мустақил давлатнинг Конституцияси қандай бўлиши кераклиги масаласини ҳам ҳар тарафлама кўрсатиб берди.

Китобда давлат олдида турган вазифалар сирасида бир талай масалалар ўртага қўйилади. Илгари сурилган асосий позициялар бевосита Конституциямизнинг тегишли моддалари бўлиб шаклланганига гувоҳ бўламиз. Буни кўплаб мисолларда кўришимиз мумкин.

Қуйидаги қиёсларда аввал китобдан парча, кейин эса Конституциядан муайян модда ёки унинг тегишли бандини келтирамиз:

*– "Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради"– "**7-модда.** Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир..".*

*– "Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак" – "**2-модда.** Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар".*

*– "Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш" – "**11-модда.** Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади".*

*– "Барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш" – "**22-модда.** Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди".*

*– "Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар, республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир, деган инсонпарварлик ва ватанпарварлик қоидасини рўёбга чиқариш" – "**18-модда.** Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар...".*

*– "Бир мафкуранинг, бир дунёқарашнинг яккаҳокимлигидан қатъиян воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олиш. Биронта ҳам мафкура мутлақ ҳақиқатни билишга даъво қилиши мумкин эмас" – "**12-модда.** Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас".*

*– "Маънавийлик ва инсонпарварлик, республика ҳудудида яшаётган барча халқларнинг анъаналари ва урф-одатларини, дини, тили ва маданиятини ҳурмат қилиш қоидаларига устуворлик берилиши" – "**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади"; "**31-модда.** Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади...".*

*– "Меҳнат қилиш, дам олиш, ҳар йилги ҳақи тўланадиган таътилга чиқиш, ишсиз бўлиб қолган тақдирда ижтимоий муҳофазага бўлган конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш" – "**37-модда.** Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир..."; "**38-модда.** Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади".*

*– "Инсоннинг ҳаёт таъминоти учун зарур бўлган иш ҳақи, пенсиялар ва нафақаларнинг кафолатланган энг кам миқдорини жорий этиш" – "**39-модда.** Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас".*

*– "Табиий ресурслардан аёвсиз фойдаланишга, атроф-муҳитга зиён етказилишига ва республикадаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик" – "**50-модда.** Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар".*

*– "Маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш. Халқларнинг маданий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш" – "**49-модда.** Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир".*

*– "Ҳамма учун маъқул сифатли тиббий хизматни таъминлаш" – "**40-модда.** Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга".*

*– "Умумий таълим олиш, касбни ва тегишли махсус тайёргарликни ўтишни эркин танлашда барчага баравар ҳуқуқ бериш" – "**41-модда.** Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир".*

"Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт ва истиқлол йўли" китоби билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моддалари ўртасидаги бевосита боғлиқликлар ҳақидаги мулоҳазаларни яна давом эттириш мумкин. Бироқ юқорида келтирилган далилларнинг ўзи ҳам кўрсатадики, биринчидан, 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов учун Конституцияни шакллантиришнинг пухта-пишиқ, ҳар тарафлама ўйланган концепциясини ишлаб чиқиш даври бўлди, иккинчидан, Бош қомусимиз бевосита давлатимиз раҳбари бу борада ишлаб чиққан асосий йўналишлар бўйича яратилди.

Конституциявий комиссия ишлаб чиққан лойиҳа матбуотда эълон қилиниб, умумхалқ муҳокамасидан ўтказилди. Муҳокама жараёнида билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар ўрганиб чиқилиб, лойиҳага тегишли тузатиш ва қўшимчалар киритилди. Олий Кенгашда эса у моддама-модда кўриб чиқилиб, кейин қабул қилинди.

"Муқаддима"да Асосий қонунимизнинг барча муҳим қатъиятлари (принциплари) баён этилган:

*"Ўзбекистон халқи:*

*инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,*

*ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда,*

*ўзбек давлатчилиги ривожининг тажрибасига таяниб,*

*демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,*

*халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,*

*республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,*

*инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,*

*фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида*

*ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади".*

Бу сўзларда Асосий қонунимизнинг туб моҳияти, асл мақсади мухтасар ҳолда акс этиб турибди.

Ўзбекистон Конституциясининг ғоя ва нормаларида халқимизнинг кўп асрлик тарихий тажрибаси ва маънавий-маърифий қадриятлари ҳамда бой миллий-ҳуқуқий мероси акс эттирилгани унинг ҳаётийлиги кафолатидир. Шу билан бирга, Бош қомусимиз кўплаб демократик давлатларда мавжуд конституциявий қурилиш соҳасидаги илғор юридик тажрибанинг энг яхши жиҳатларини, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг умумэътироф этилган нормалари ҳамда бу соҳадаги бошқа халқаро ҳужжатларга асосланган инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмини ўзида мужассам этган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини яратишда дунёнинг 97 давлати тўплаган илғор конституциявий тажрибага суянилган.

Конституция қотиб қолган ҳужжат эмас. Замон талаблари билан унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкинлиги унинг олтинчи бўлимидаги 127-128-моддаларда аниқ-тиниқ белгилаб қўйилган. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрида қабул қилинган қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига парламент депутатлари сони билан боғлиқ жузъий тузатишни ҳисобга олмаганда, ўтган 23 йил мобайнида Конституциямизга олти бор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Улар қуйидагилардан иборат:

2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелида қабул қилинган қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси XVIII, XIX, XX ва XXIII бобларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелида қабул қилинган қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрида қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 18 апрелида қабул қилинган қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-, 80-, 93-, 96- ва 98-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрида қабул қилинган қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддаси иккинчи қисмига тузатиш киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилнинг 16 апрелида қабул қилинган қонунига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-, 78-, 93-, 98-, 103- ва 117-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Кўриб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32-, 78-, 93-, 98-, 103- ва 117-моддаларига)" 2014 йилнинг 16 апрелидаги ЎРҚ-366-сон Қонуни қабул қилинди. Бу Қонун асосида Конституциямизнинг тегишли моддаларига сўнгги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

*Қонуннинг мақсади қуйидагича ифодаланган:*

*"Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, "кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" принципи босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро этувчи органлар фаолияти устидан қонун чиқарувчи олий органнинг, ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини кучайтириш, шунингдек, ҳукуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини рўёбга чиқариш борасидаги масъулиятини ошириш мақсадида киритилмоқда".*

Ушбу Қонун асосида Конституциямизнинг, жумладан, 32-моддасига ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур модданинг аввалги ҳолати қуйидагича эди:

*"Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади"* (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2012. 8-бет).

Энди амалга оширилган янгиликка диққат қилайлик (қўшимчалар, шартли равишда, қора ҳарфлар билан ажратиб кўрсатиляпти):

*"Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, **шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш** йўли билан амалга оширилади".*

Шунингдек, ушбу модда мана бу мазмундаги қўшимча қисм билан тўлдирилди:

***"Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади"*** (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2014. 13-бет).

Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси яратилгани мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг янги босқичи ҳисобланади.

Конституциямиз мамлакатимизда демократик фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат барпо этишнинг энг асосий кафолатидир.

Асосий қонунимиз, энг аввало, фуқарога ҳуқуқ ва эркинлик беради, шу билан бирга, унинг зиммасига бурч масъулиятини ҳам юклайди.

**Олим МАҲМУДОВ**

# ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

***Шу кунларда Бош қомусимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллик байрами юртимизнинг ҳар бир гўшасида кенг нишонланмоқда. Негаки, инсон ва унинг ҳуқуқлари олий қадрият эканлигини бош мезон қилиб олган демократик давлатимизнинг бош қомусини ўрганиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги, билим ва савиясини ошириш, шунингдек, қонунларга сўзсиз риоя қилишдек тушунчаларни улар онгига сингдириш муҳим вазифалардан биридир.***

Ҳусусан ички ишлар вазирлиги тизимида, айниқса, ходимларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, фуқаролар билан ишлашда қонунчиликка қатъий риоя қилиш тартиб-қоидаларини жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ҳам бу масалага муҳим эътибор қаратилиб, доимий ва ўзгарувчан шахсий таркибнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида давра суҳбатлари, учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. "Конституция — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолати" деб номланган илмий-амалий анжуман ҳам айнан шу мақсадни ифодалади.

Тадбирда Олий Мажлис қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Олий мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик Университети, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази, ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси, ИИВ Академияси ва ИИВ Тошкент олий ҳарбий техник билим юрти тингловчилари иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар Бош қомусимизнинг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамияти, олиб борилаётган ислоҳотларда, қонун устуворлигини таъминлашда Конституциянинг принципиал жиҳатлари ҳақида сўз юритдилар.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ташкил этилган бундай илмий-амалий анжуманлар соҳа ходимлари ва фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда муносиб аҳамиятга эга экани билан аҳамиятлидир.

**З. ШАРИФЖОНОВ**

# БАХТУ ИҚБОЛИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

***Айни кунларда пойтахтимиздаги маҳалла фуқаролар йиғини, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва умумтаълим мактаблари ҳамда корхона ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллиги муносабати билан тадбирлар ўтказиб келинмоқда.***

Ана шундай маънавий-маърифий тадбирлардан бири "Конституция – равнақимиз қомусидир" деб номланиб, "Тошкент иссиқлик маркази" АЖда ўтказилди.

Тадбир Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази, туман маданият ва спорт ишлари бўлимлари томонидан ташкил этилди.

Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда истиқлол йилларида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳозирги саодатли кунларга эришишда Асосий қонунимиз мустаҳкам замин бўлаётганини таъкидлаб ўтишди. Конституция жамиятнинг мустаҳкам пойдевори, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, бунёдкорлик ишлари Президентимизнинг олиб бораётган оқилона сиёсати натижасида эканлиги алоҳида қайд этилди.

Ташкил этилган тадбирда байрам кайфияти улашиш мақсадида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандалари Ислом Ҳасанов, Шаҳзод Ходжаков томонидан дилбар куй-қўшиқлар ижро этилди. Ўзбек миллий академик драма театри актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти Муқаддас Холиқова, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актрисалари Муножат Алимбоева, Маърифат Ортиқоваларнинг чиқишлари барчага манзур бўлди.

**Зарина РУСТАМОВА**

# ЁШЛАР БАНДЛИГИ УСТУВОР ВАЗИФА

***Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводида Яккасарой туманидаги бир қатор ўрта-махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари битирувчилари иштирокида ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган очиқ мулоқот тарзидаги учрашув ташкил этилди.***

Учрашув "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Яккасарой тумани Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган бўлиб, "Бизнес инкубатор" лойиҳаси доирасидаги тадбирлардан биридир. Ундан кўзланган мақсад ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни касбга йўналтириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, тадбиркорликка жалб этиш ва бу борадаги билимларини бойитишдан иборат. Шунингдек, турли хил ёт ғояларга қўшилиб қолмаслик, одам савдоси, гиёҳвандлик каби иллатлар домига тушиб қолишидан ҳимоя қилишга қаратилган.

Давлатимиз томонидан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни мукаммал билим олиб, келажакда етук инсон бўлиб вояга етишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Катта ҳаётга қадам қўяётган ёш авлоднинг камол топиши ва мустақил ҳаёт бошлаши, келгусида ўз касби, ҳунарига эга бўлиши ёки тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун барча имкониятлар мавжуд.

Шу боис юртимизда ёшлар тарбияси ва бандлигига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишларда давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Учрашувда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиб бораётганлиги, хусусан, бу борада ёш тадбиркорларга катта эътибор қаратилаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Битирувчиларга касб танлаши, ҳунар эгаллаши, тадбиркорлик билан шуғулланишлари ва бу соҳага кириб келишлари борасида мутахассислар томонидан таклиф ва маслаҳатлар берилди. Уларни қизиқтирган саволларга етарлича жавоб қайтарилди.

– Давлатимиз томонидан келажак авлодни етук инсон этиб вояга етказиш ҳамда уларни маълум бир соҳага йўналтиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Яккасарой туман Кенгаши бош мутахассиси, "Камалак" болалар ташкилоти раиси Шаҳзод Нормуродов. – Буни қилинаётган ишлар, олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳам кўрсатиб турибди. Бугунгидек учрашувларнинг ўтказилиши катта ҳаётга қадам қўяётган ёшлар онгини юксалтириш, тадбиркорлик ёки бошқа соҳаларга бўлган қизиқишини ошириш ва мустақил шахс бўлиб шаклланишига хизмат қилади.

Шунингдек, учрашув давомида битирувчи ёшлар Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

**Абдуалим САЛИМОВ**

Анжуманлар

# ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Ўзбекистонда ҳамширалик иши: бу борада тўпланган тажриба ва истиқболдаги вазифалар хусусида” деб номланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ҳамширалик ишини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани, ушбу йўналишда мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини оширишда жаҳон тиббиётининг илғор тамойиллари ҳамда ютуқларидан оқилона фойдаланиш бўйича кенг кўламли ишларни ташкил этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий ва амалий асослари яратилганини таъкидладилар.

Бугунги кунда юртимиздаги тиббиёт муассасаларида уч юз минг нафардан зиёд ҳамширалар фаолият юритмоқда. Улар соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини, шошилинч ва бошқа ихтисослашган муассасаларда замонавий тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиб, иш юритишмоқда.

Жаҳон тиббиётининг илғор тажрибаларидан келиб чиқиб, юртимизда олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш тизимининг жорий этилиши соғлиқни сақлаш тизимини малакали мутахассислар билан таъминлаш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунга қадар Тошкент Тиббиёт академияси ва бошқа тиббиёт институтларининг “Олий ҳамширалик иши” бўлимларида анестезиология ва реанимация, хирургия, акушерлик ва менежмент йўналишлари бўйича уч минг нафардан ортиқ олий маълумотли бакалавр ҳамширалар тайёрланди, 80 нафарга яқин талаба эса магистрлик даражасига эришди.

Бугун ўрта бўғим тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш тизими тубдан такомиллашмоқда, айни дамда мамлакатимизда 78 та тиббиёт коллежи фаолият юритаётир. Ушбу таълим масканларида ўқувчиларнинг танлаган касбига бўлган қизиқишини ошириш, мутахассислик бўйича билимларини мустаҳкамлаш ва уларда меҳнат кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақобиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ҚВПларда патронаж ҳамшираларнинг ишини рейтинг баҳолаш тизими жорий этилди. Бу албатта соҳа ходимларининг меҳнати самарадорлигини ошириш, ҳамширалик ишини янада ривожлантириш, тиббий хизматни такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

— Ҳамширалар малакасини ошириш соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишидир, — дейди Чилонзор тиббиёт коллежи директори Ҳусниддин Раҳмонов. — Кундан-кунга янгиланиб бораётган тиббиёт соҳаси талабига мос бўлиш мутахассис зиммасига катта масъулият юклайди. Шу боис тиббиёт коллежларида ҳам бўлажак ҳамшираларнинг нафақат тиббий билими, малакаси ва кўникмасини, балки уларнинг онг ва тафаккурини ҳам юксак савияда ошириб бориш зарур. Зеро, ҳамширалик иши ниҳоятда масъулиятли вазифа ҳисобланиб, ўта тезкорлик, сезгирлик, сифат ва муомала маданиятини талаб этади...

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан олиб борилаётган “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида бир ярим мингдан ортиқ ўқув семинарлари ташкил этилиб, беш юз нафардан зиёд маҳаллий тренерлар тайёрланди. Улар жойлардаги ўрта бўғим тиббиёт мутахассислари ўртасида репродуктив саломатлик, бехатар оналик ва болаликни асраш, юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича энг замонавий тамойилларни амалиётга татбиқ этиш бўйича иш олиб бормоқдалар.

Натижада, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи қоидаларига амал қилиш, ҳар бир кишининг ўз саломатлигига масъуллик билан қараш ҳиссининг кучайиши, мустаҳкам оилалар шаклланишига эришилмоқда. Қолаверса, қилинаётган ишлар самараси оналар ва болалар ўлими камаётгани, кўплаб асоратли хасталикларнинг олдини олишга эришилаётгани, халқимизнинг ўртача умр кўриш кўрсаткичи узайиб бораётгани мисолида намоён бўлмоқда.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоб олдилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни

# МЕҲР-ЭЪТИБОРДАН БАҲРАМАНД ДИЛЛАР

***Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан бир гуруҳ жисмоний имконияти чекланган фуқаролар билан учрашув ўтказилди.***

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши раиси ўринбосари У.Вафоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга доимий меҳр ва ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 майдаги “2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жисмоний имконияти чекланган инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мамлакатимиз Конституцияси, Меҳнат кодекси, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа кўплаб ҳужжатларда мустаҳкамланган.

Юртимизда жисмоний имконияти чекланган фуқароларни тиббий-психологик ва ижтимоий реабилитация қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, зарур дори-дармон ва протез-ортопедия воситалари билан таъминлаш, меҳрибонлик уйларини таъмирлаш ҳамда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбир доирасида Тошкент шаҳридаги 15 нафар жисмоний имконияти чекланган инсонлар хонадонларига бориб, уларнинг ҳолидан хабар олинди. Жисмоний имконияти чекланган фуқароларга совғалар улашилди.

**Даврон СУННАТОВ,**
**ЎзА мухбири**



*Тасвирий санъатга ошуфта ёшлар*

Оқил Ғуломов олган сурат

# МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА

***Эҳтимол, дунёда ҳар хил тарғибот-ташвиқот ишлари билан шуғулланаётган ташкилотлар кўпдир, аммо инсон ва жамият маънавияти масалаларига эътибор қаратиб, шу йўл билан ижтимоий-маънавий тараққиётни таъминлашни кўзлайдигани жуда кам.***

Аксарият ривожланган мамлакатларда бевосита инсон ва жамият маънавияти масалалари билан шуғулланадиган марказларнинг йўқлиги талай муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бизнинг юртимизда маънавият қудратли кучга айланган десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида таъкидланганидек: “Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”. Дарҳақиқат, моддий нарсалар одамга жисмоний озиқ ва қувват берса, маънавият унга руҳий озиқ ва қудрат бағишлайди. Маънавиятга интилиш эса руҳ ва онг эгаси бўлмиш инсонга хос фазилатдир. Лекин минг афсуски, моддиёт орқасидан қувлаб, бузғунчи тузоқларига ёшларни чорлаётганлар ҳам бугунги кунда оз эмас. “Фақат ўзинг учун яша!” дейдиган “оммавий маданият”ни айтмайсизми?! Ҳозирги кун ахборот манбаига айланган интернет тармоғи, минг афсуски ёвуз мақсадларга ҳам хизмат қилмоқда.

Шу ўринда Яккасарой туманидаги умумтаълим мактаблари ҳамда академик лицей, касб-ҳунар коллежларида “Ахборот соати” ҳамда жума кунлари ўтказилиб келинаётган “Маънавият соатлари”да ёшларимизга юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан бирга дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалар тафсилоти, интернетнинг яхши ва ёмон томонлари ҳақида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатиб келаётган ишчи ва ходимлар ўртасида ҳам маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга катта эътибор қаратилаётир.

Куни кеча “Яккасарой технопарк” жамиятида “Огоҳлик — давр талаби” мавзуида ўтказилган тадбир ҳам шулар жумласидан. Унда Низомий номидаги ТДПУ доценти Ш.Авазова ҳамда Яккасарой туман прокуратураси масъул ходими Ф.Расуловлар мавзу юзасидан ўз маърузалари билан иштирок этишди. Дарҳақиқат бугун ахборот макони кенг, унда ўзларининг манфур ғояларини тарғиб этишни мақсад қилганлар ўзлари адашган инсонлардир.

Бизни ҳеч қачон йўлимиздан адаштирмайдиган, юксак маънавиятимизнинг енгилмас кучи бор. Ушбу йўлдан ҳеч биримиз адашмайлик!

**Баҳодир ЮСУПОВ,**
**Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими раҳбари**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

*Яшнобод темир йўл касб-ҳунар коллежи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ва ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимларига*

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ва ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимларига малака талаблари:**

*а) педагогик ёки муҳандис-педагогик олий маълумот;*

*б) педагогик стажи 5 йилдан кам эмас, жумладан касб-ҳунар коллежи йўналишида 3 йил педагогик стаж.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

*1.Сўровнома;*
*2.Таржимаи ҳол;*
*3.Олий маълумот ҳақида диплом нусхаси;*
*4.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;*
*5.3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;*
*6.Паспорт (нусхаси)*
*7.Тавсифнома;*
*8.Меҳнат дафтарчасидан нусха.*

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

**“AGRO SANOAT MULK MARKAZI” МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

“Agro sanoat mulk markazi” МЧЖда 2016 йил 5 январь куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги хатланган мол-мулклар қўйилмоқда: I. Юнусобод туман СИБ томонидан 7. 7.2015 й. кунги 31261/22-сонли ижро варақа, “Ўрта Осиё Транс” МЧЖ базасида сақланаётган 1. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/504TBA бўлган “Dong Fingdel” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 113 116 500 сўм. 2. 2010 йилда и/ч дав.-бел. 01/495TBA бўлган “Dong Fingdel” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 113 807 400 сўм. 3. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/492TBA бўлган “Dong Fingdel” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 114 263 100 сўм. 4. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/506TBA бўлган “Dong Fingdel” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 114 027 900 сўм. 5. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/503TBA бўлган “Dong Fingdel” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 112 896 000 сўм. 6. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/566TBA бўлган “Howo Sinoturk” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 197 004 500 сўм. 7. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/567TBA бўлган “Howo Sinoturk” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 196 612 500 сўм. 8. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/568TBA бўлган “Howo Sinoturk” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 196 220 500 сўм. 9. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/569TBA бўлган “Howo Sinoturk” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 197 004 500 сўм. II. Миробод туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 06.11.2015 й. кунги 27639/6-сонли ижро варақа, 1. 2009 йилда и/ч дав.бел. 01/832MAA бўлган “Ласетти” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 45 757 942 сўм. 2. 12.08.2015й. кунги 19791/19-сонли ижро варақа, 2012 йилда и/ч дав.бел. 01/Y540RA бўлган “Спарк” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 37 000 000 сўм. 3. 9.11.2015 й. кунги 17682/6-сонли ижро варақа, 2013 йилда и/ч дав.-бел. 01/M168PA бўлган “Кобалт” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 51 418 280 сўм. 4. 9.11.2015 й. кунги 27665/6-сонли ижро варақа, 2013 йилда и/ч дав.бел. 01/D093VA бўлган “Ласетти” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 55 000 000 сўм. 5. 9.11.2015 й. кунги 27666/6-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/540HDA бўлган “Ласетти” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 42 000 000 сўм. 6. 2.09.2015й. кунги 21029/19-сонли ижро варақа, 2011 йилда и/ч дав.бел. 01/M000074 бўлган “Каптива” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 87 000 000 сўм. 7. 2.09.2015 й. кунги 21029/19-сонли ижро варақа, 2013 йилда и/ч дав.бел. 01/H050SA бўлган “Ласетти” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 53 125 000 сўм. 8. 9.11.2015 й. кунги 27681/6-сонли ижро варақа, 2013 йилда и/ч дав.бел. 01/P077QA бўлган “Ласетти” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 54 000 000 сўм. 9. 9.11.2015 й. кунги 27667/6-сонли ижро варақа, 2011 йилда и/ч дав.бел. 01/J709GA бўлган “Ласетти” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 45 992 704 сўм. 10. 9.11.2015 й. кунги 27664/6-сонли ижро варақа, 2012 йилда и/ч дав.бел. 01/T059NA бўлган “Матиз” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 23 065 032 сўм. 11. 19.11.2015 й. кунги 28460/6-сонли ижро варақа, 2014 йилда и/ч дав.бел. 01/T474SA бўлган “Кобалт” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 52 706 000 сўм. 12. 23.07.2015 й. кунги 19119/6-сонли ижро варақа, 2014 йилда и/ч дав.бел. 01/W212RA бўлган “Нексия” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 38 000 000 сўм. 13. 12.08.2015 й. кунги 19792/19-сонли ижро варақа, 2015 йилда и/ч дав.бел. 01/H033UA бўлган “Каптива” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 94 154 000 сўм. 14. 23.07.2015 й. кунги 19120/6-сонли ижро варақа, 1994 йилда и/ч дав.бел. 10/U114AA бўлган “Тико” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 12 697 475 сўм. 15. 23.07.2015 й. кунги 19133/6-сонли ижро варақа, 2011 йилда и/ч дав.бел. 01/X247TA бўлган “Спарк” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 32 000 000 сўм. 16. 2.09.2015 й. кунги 21030/19-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав.бел. 01 M229 JA бўлган “Нексия” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 31 219 800 сўм. III. Сергели туман СИБ томонидан, 10.08.2015 й. кунги 10-1510/12375-сонли ижро варақа, Сергели тумани СИБ ҳудудида сақланаётган, 1. 2014 йилда и/ч дав.бел. 01/477LAA бўлган “Кобалт” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 62 110 000 сўм. 2. 2012 йилда и/ч дав.бел. 01/392BDA бўлган “Спарк” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 24 600 000 сўм. 3. 2014 йилда и/ч дав.бел. 01/596BDA бўлган “Кобалт” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 39 235 000 сўм. 4. 2007 йилда и/ч дав.бел. 01/116BDA бўлган “Dong Feng EQ6380LF” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 000 000 сўм. 5. 2012 йилда и/ч дав.бел. 01/138BDA бўлган “Каптива” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 55 102 800 сўм. 6. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/405BDA бўлган “Нексия” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 500 000 сўм. 7. 2014 йилда и/ч дав.бел. 01/203BDA бўлган “Кобалт” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 39 011 000 сўм.

2015 йил 22 декабрь куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги хатланган мол-мулклар такроран қўйилмоқда: I. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, “Феруза Баракат Сервис” МЧЖда сақланаётган, 1. 16.10.2013 й. кунги 62989/12-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав.бел. 01/O862FA бўлган “Матиз” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 499 511 сўм. 2. 22.08.2013 й. кунги 58980/12-сонли ижро варақа, 2008 йилда и/ч дав.бел. 01/T836LA бўлган “Матиз” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 14 557 143 сўм. 3. 7.01.2014 й. кунги 613/12-сонли ижро варақа, 2008 йилда и/ч дав.бел. 10/A532GA бўлган “Матиз” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 035 562 сўм. 4. 15.08.2011 й. кунги 25578-85/22-25-12-сонли ижро варақа, “Space Arsenal Service” МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1995 йилда и/ч дав. бел. 19/A351 бўлган “SK 24” русумли ярим тиркама. Бошланғич нархи 20 793 917 сўм. 5. 11.02.2014 й. кунги 729/5-сонли ижро варақа, Тошкент шаҳри, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав.бел. 01/O190AA бўлган “Матиз” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 6 569 529 сўм. 6. 11.02.2014 й. кунги 729/5-сонли ижро варақа, 1992 йилда и/ч дав.бел. 10/AN808 бўлган “Газ 31029” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 778 510 сўм. II. Сергели туман СИБ томонидан, “Space Arsenal Service” МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1. 31.07.2014 й. кунги ижро варақа, 2009 йилда и/ч дав.бел. 01/323EAA бўлган “Нексия” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 23 540 291 сўм. 2. 31.07.2014 й. кунги ижро варақа, 2009 йилда и/ч дав.бел. 01/044EAA бўлган “Нексия” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 23 588 303 сўм. 3. 31.07.2014 й. кунги ижро варақа, 2011 йилда и/ч дав.бел. 01/044NBA бўлган “Нексия” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 24 184 482 сўм. 4. 31.07.2014 й. кунги ижро варақа, 1988 йилда и/ч дав.бел. 01/516BBA бўлган “Камаз 5511” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 899 206 сўм. 5. 24.06.2014 й. кунги 1-243/14-сонли ижро варақа, 1999 йилда и/ч дав.бел. 75/K511EA бўлган “Нексия” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 525 340 сўм. 6. 26.05.2014 й. кунги ижро варақа, 2011 йилда и/ч дав.бел. 10/M751FA бўлган “Матиз” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 841 846 сўм. 7. 29.10.2013й. кунги 1-803/13-сонли ижро варақа, 1978 йилда и/ч дав.бел. 01/O347JA бўлган “Ваз 21011 СПГ” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 163 891 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – “Agro sanoat mulk markazi” МЧЖнинг “Капиталбанк” АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29. *Гувоҳнома: 006388.*





Темур Мамадаминов олган суратлар

# БОЛАЛАР ҲИМОЯСИ ВА МАТБУОТ

***Пойтахтимизда "SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари" уюшмаси томонидан болаларни ҳимоялаш ва етимлик профилактикаси тизимини мустаҳкамлаш масалаларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бағишланган семинар ташкил этилди.***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг билим олиши, юксак маънавиятли шахслар бўлиб вояга етиши, кучли ижтимоий ҳимояланиши масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги эзгу ишларни амалга оширишда турли вазирлик ва идоралар, жамоат тузилмалари фаол иштирок этмоқда.

"SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари" уюшмаси томонидан ота-она меҳридан бебаҳра болаларни ижтимоий муҳофазалаш, уларнинг баркамол шахс бўлиб вояга етишига яқиндан кўмаклашиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар, турли ижтимоий лойиҳалар, акциялар амалга ошириб келинмоқда. 2014 йилдан буён ўтказилаётган "Болаларга ғамхўрлик билан!" шиори остидаги тадбирлар шулар жумласидандир.

Ушбу тадбирлар доирасида Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарларида етимликнинг олдини олиш мақсадида масъул идора ва тузилмалар ҳамкорлигини кучайтиришга оид лойиҳа самарали амалга оширилмоқда. Лойиҳа асосида тренер ва экспертлар гуруҳи шакллантирилиб, вояга етмаганлар ишлари, васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссиялар масъул котиблари, мутахассислар, инспекторлар, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлинмалари ходимларининг касбга оид билим ва малакасини ошириш, фаолиятини мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Семинарда босма ва электрон ОАВ ходимлари болаларнинг ижтимоий ҳимоясига оид миллий қонунчилик, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар ва болалар билан ишлаш амалиёти билан таништирилди. Машғулотлар давомида интерфаол ўқитиш услубларидан кенг фойдаланилгани болаларни ижтимоий ҳимоялашга оид масалаларни ёритишда зарур бўладиган билим ва кўникмаларни янада мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этади.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ЮКСАК НАТИЖАЛАР САРИ ҚАДАМ

***Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида "Жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва оммавий спорт тадбирлари самарадорлиги кўламини ошириш борасидаги ишлар таҳлили" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.***

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда вазирликнинг тегишли бошқармалари ходимлари, Ўзбекистон Жисмоний тарбия институтининг профессор-ўқитувчилари, спорт федерациялари вакиллари, юқори натижаларга эришаётган ёш спортчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирининг спорт ишлари бўйича биринчи ўринбосари Муроджон Алиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида юртимизда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини янги босқичга кўтариш, янада ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар фарзандларимизнинг аждодларига муносиб, жисмонан соғлом ва баркамол бўлиб етишишидек улкан мақсадга қаратилгани, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, иқтидорли спортчиларнинг маҳоратини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётганини таъкидлаб ўтишди.

Жорий йилнинг 4 сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги"ги қонуни юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибордан далолатдир.

Қонунда аҳоли, айниқса, ёшлар, имконияти чекланганларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенг жалб қилиш, мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, замонавий ҳамда самарали спорт инфратузилмасини, унинг моддий-техник базасини шакллантириш, таълим ва тиббиёт таъминотини тартибга солиш, юқори тоифали спортчилар тайёрлаш, миллий спорт турларини ривожлантириш каби муҳим масалалар қамраб олинган. Шунингдек, таълим муассасалари, фуқароларнинг иш жойи, яшаш жойи ва дам олиш жойларида жисмоний тарбия ва спортнинг барча турларини самарали ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

— Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари, таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлашувини янада юқори поғонага кўтариш, жисмоний маданият ҳаракатини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, замонавий спорт турлари бўйича иқтидорли спортчиларни тайёрлаш ва уларнинг маҳоратларини ошириш мақсадида режа асосида иш олиб борилмоқда, — дейди Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлигининг оммавий спортни ривожлантириш ва оммавий спорт тадбирларини ўтказишни ташкил этиш бошқармасининг бошлиғи ўринбосари Зафар Тожибоев. — Жумладан, спорт тадбирларини ўтказиш тақвимига мувофиқ жорий йилнинг 9 ойи давомида комплекс, халқаро ва республика мусобақалари, ўқув-машғулотлари йиғинлари юқори савияда ўтиши таъминланди. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармалари, ҳудудий бўлимлар томонидан вилоят, шаҳар ва туман марказлари, қишлоқлар, маҳаллалар, истироҳат боғларида аҳолининг кенг қатламлари ўртасида жами 5120 та оммавий спорт тадбирлари ўтказилиб, уларга 1,3 миллиондан ортиқ иштирокчилар жалб этилди.

Вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида жойларда 4043 та оммавий спорт мусобақалари ўтказилиб, уларга 867,8 минг нафар ёшлар жалб этилди, шулардан 386,9 минг нафари қизларни ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, 1632 нафар спортчимиз халқаро миқёсдаги мусобақаларда муносиб иштирок этиб, 215 та олтин, 232 та кумуш, 243 та бронза медалларини қўлга киритган.

Шунингдек, Республикада миллий спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларнинг маҳорат даражасини ҳамда халқ ўйинлари турлари оммавийлигини ошириш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

**Зиёда РАСУЛОВА**

"Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"

# "ТИЛСИЗ ЁВ"ДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

***Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.***

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтиришдан иборатдир.

Аҳолига қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш мақсадга мувофиқлигини эслатиб ўтмоқчимиз:

– очиқ алангадан фойдаланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш;

– носоз, қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик;

– электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш;

– белгиланган жойларда чекиш;

– ёш болаларни назоратсиз қолдирмаслик.

Юқоридаги қоидаларга риоя қилинса ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулки, уй-жойини, қолаверса ўзи ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. Ҳеч кимга сир эмаски, кунлар совиши билан хонадонларни иситишга ҳаракат бошланади. Кўплаб фуқароларимиз шу ниятда қўлбола ясалган газ ва электр ускуналаридан фойдаланиб, натижада нафақат уйлари, балки ўз ҳаётларидан ҳам ажралиб қолмоқдалар.

Шундай экан, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиб, ўзимиз ва яқинларимиз ҳаётини асрайлик.

**Козимжон МАҲАМАТОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ**
**22-ҲЁХҚ инспектори, сержант**

# БАРЧА БИРДЕК МАСЪУЛ

***Ҳар йили оловнинг мудҳиш фалокати туфайли дунё бўйлаб қанча-қанча кишилар бошпанасиз қолади, кимдир соғлиғидан айрилади, ачинарлиси эса бировлар бевақт нобуд бўлади.***

Пойтахтимизда юз берган ёнғинлар таҳлили асосан аҳоли турар жойларида бу каби офатлар содир бўлаётганини кўрсатади. Биз ҳамшаҳарларимизни носоз иситиш асбобларини ишлатмасликка, очиқ оловдан фойдаланганда эса хавфсизлик чораларини кучайтиришга чақирамиз.

Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари доимо ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида хонадонларда ёнғинларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлашга, аҳоли билан ҳамкорликда бу камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга, унинг салбий оқибатларини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ҳаётимизнинг хотиржамлигини таъминлаш учун ёнғин хавфсизлигида бирдамлик билан бу офатга қарши чораларни кўриш барчамизнинг доимий вазифамиз бўлмоғи лозим.

Ана шундагина, қишни беташвиш ўтказишимиз, уй-жойимиз, яқинларимизни ёнғин офатидан асраб қолишимиз мумкин.

**А.АБИДОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИБ ЁХБ**
**9-ҲЁХО 13-ҲЁХ АП кичик**
**инспектори, сафдор**

***Республикамизда ўтказилаётган "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" даврида Мирзо Улуғбек туман ИИБ ЁХБ ходимлари томонидан ёнғинларнинг келиб чиқишининг олдини олиш ва фуқаролар ўртасида хавфсизлик қоидаларини тарғиб қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

# ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Туманимизда ёнғин хавфсизлиги ҳолатини янада яхшилаш мақсадида бўлинма ходимлари томонидан ҳудудимизда жойлашган 52 та маҳаллаларнинг маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва профилактика инспекторлари билан бирга хонадонларга бориб, учрашув ва тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Бундан ташқари тумандаги таълим муассасаларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилиш бўйича ўқув соатлари ўтказилмоқда. Ёнғин содир бўлмаслиги учун эҳтиёткорлик чораларини кўриш муҳимлиги ўқувчиларга эслатиб ўтилмоқда.

Шахсий хонадон, кўп қаватли уйлар, корхона, муассаса, ташкилот ва бозорларда ёнғинларнинг келиб чиқишига йўл қўймаслик учун доимо огоҳ бўлиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**Б.ТЕМИРБАЕВ,**
**Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ЁХБ**
**инспектори, кичик сержант**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### *ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!*

Юридик ва жисмоний шахсларга Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, шунингдек, унинг қуйи тизимидаги ходимларининг давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларида, улар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатларининг поймол бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бошқарма ва корхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи "ишонч телефони" тизими жорий этилди.

**Ишонч телефони рақами: 239-35-21**
**Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти**

### *"CAPITAL REALTOR GROUP" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!*

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2016 йил 12 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Бектемир туман СИБ томонидан, 2015 йил 10 ноябрь кунги 10-1504/19410-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 378 кв.м., фойдали майдони 309,33 кв.м. бўлган, 0001-литердаги икки қаватли бинонинг бир қисми. Бошланғич нархи 320 000 000 сўм.

2. Юнусобод туман СИБ томонидан, 2015 йил 13 апрель кунги 1-1589/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Бўзбозор 1-тор кўчаси, 22-уйда жойлашган, умумий ер майдони 435 кв.м., қурилиш ости майдони 352,10 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи 370 000 000 сўм.

3. Юнусобод туман СИБ томонидан, 2015 йил 18 сентябрь кунги ЖСҲ 2-154/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шароф Рашидов кўчаси, 16-уйнинг 3, 5, 23, 33, 36, 38, 41, 42, 44, 48, 49, 50, 53, 54, 62, 68, 71, 73, 77, 79, 80, 81, 83, 87, 88, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 103, 110, 112, 116, 117, 119, 121, 122, 125, 126, 127, 128, 131, 132, 133, 134, 135, 136, 179, 181, 183, 186, 191, 196-хонадонларда жойлашган, умумий майдони 6182,74 кв.м. бўлган уй-жой комплекси. Бошланғич нархи 14 551 675 751 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 20% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри Қушбеги кўч., 18-уй. Тел.: (0-371) 250-19-24. *Лицензия: № RR-0017.*

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2015 йил 4 ноябрь кунги 221-сонида ва 2015 йил 17 ноябрь кунги 228-сонида чоп этилган хабарномалардаги 2015 йил 7 декабрь кунига белгиланган аукцион савдолар 2015 йил 9 декабрь кунига кўчирилди.

**"Capital Realtor Group" МЧЖ маъмурияти**

### "ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**


ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **4 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10 даража илиқ, кундузи — 18-20 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **4 декабрь ва 5 декабрь** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1255

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5993 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5